

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ҲИСОБ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Холбекова Д.Р

Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳисоб тизимининг ривожлантиришидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишида услубий таклифлар ҳамда бухгалтерия ҳисоби хизматидан самарали фойдаланишида амалий тавсиялар берилган.

В статье: рассматриваются методические предложения по устранению имеющихся проблем в учетной системе малого бизнеса и частного предпринимательства и даны практические рекомендации эффективного пользования в службе бухгалтерского учета.

This article :discusses methodological proposals for the elimination of the existing problems in the accounting system of small business and private entrepreneurship and given practical recommendations effective use in the service of accounting.

Калитли сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизмати, ҳисоб сиёсати, марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматининг субъекти, предмети, объекти, ноқонуний ёнланма мутахассис.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда ҳамда уларни ташкил қилиш ва ривожлантиришга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда асосий маълумот манбаи бўлиб, уларда ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Бу соҳани такомиллаштириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳисоб тизимини яхшилаш мақсадида “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”ги стандарт Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу стандартга асосан:

- бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тарзда юритиш тартибини танлаш ҳукуқи кичик тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий асосларда берилади;

- Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга оид жавобгарлик унинг раҳбари зиммасига юкланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга: а) бухгалтерия хизматини бош бухгалтер раҳбарлиги остида ташкил қилиш ёки шартномавий асосларда жалб қилинган бухгалтер хизматларидан фойдаланиш; б) бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш;

- ҳисобга олиш алоҳида объектларининг (асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар ва шу кабиларнинг) бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг бошқа миллий стандартларида белгиланган талабларга мувофиқ юритилади.²⁸

Россиялик иқтисодчи олим Н.П.Кондраков ҳам ўз асарларида қуйидагиларни келтиради:

- раҳбар ҳисоб ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобининг ҳоҳлаган шаклидан фойдаланади;

- таркибий бўлим ҳисобланган бухгалтерия хизматини бош бухгалтер бошқаради;

- шартнома асосида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш ихтисослашган ташкилот ёки бухгалтер мутахасислигига эга бўлган шахс томонидан олиб борилади;

- агар раҳбар бухгалтер мутахасислигига эга бўлса бухгалтерия ҳисобини ўзи юритиши мумкин (кам ҳолларда).²⁹

Демак юқоридагилардан кўриниб турибдики, мулкчилик шакли, фаолият тури, иш ҳажми ва таркибий тузилишидан қатъий назар ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти раҳбарнинг ихтиёрига кўра у ёки бу шаклдаги бухгалтерия ҳисобини юритади.

Хозирги кунда иқтисодиётимизда фаолият кўрсатаётган аксарият барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ташкил этилган, лекин қайси услубий манба асосида ёки ким томонидан юритилаётгани эътибордан четда қолган.

Юртбошимиз тақидлаб ўтган иқтисодиётимизда сони 190 мингтага етган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ягона ҳисобланган ва умумий жами 4 бетдан иборат бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти мазмунан етарли эмас. Шунингдек, уларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг сифатига жавоб берувчи шахс мутахасислигининг мослигини назорат қилиш ва унинг мажбуриятлари борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни йўқлиги баъзи бир муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда бир қанча қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий жиҳатлари кўрсатилган лекин, уни ташкил қилиш меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган;

²⁸ “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”ги 20-сонли Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (Ўз.Рес. Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 11 июль 879-2-сон билан рўйхатга олинган).

²⁹ Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебник.-2-е изд. перераб. и доп.-М.:ИНФРА-М.2008- 103-с.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йўқлиги сабабли ҳисобни юритиш ҳамда ҳисоботни тузишда хато ва камчиликлар мавжуд;

- баъзи бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари алоҳида бухгалтерия ҳисоби хизматини сақлаб туришга имконияти етмаслиги сабабли улар тўғри келган ёнланма мутахассислардан ноқонуний равишда фойдаланилмоқда;

- ёнланма мутахассислардан ноқонуний равишда фойдаланиш натижаси уларнинг даромадларни яширишга олиб келмоқда;

- агар ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида алоҳида бухгалтерия ҳисоби тизими ташкил қилинса 190 минг бухгалтер мутахассислигига эга бўлган ходимлар керак бўлади. Бу ўз навбатида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Бундай муаммолар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги ҳисоб сиёсати аниқ мақсадлар бўйича шакллантирилмаяпти. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини олиб борувчи ва ҳисоботини тузувчи шахсни мажбурияти ҳамда жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилмаганлиги натижасида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини тузиш, тақдим этишда атайин бузиб кўрсатишлар содир бўлмоқда. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисоби тизимида мутахассис бўлмаган шахслар хизматидан ноқонуний равишда фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунни, бухгалтерия ҳисоби усулларини ва тамойилларининг бузилишига олиб келади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш мақсадида биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматидан фойдаланишни таклиф қилмоқчимиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлари учун марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилишдан мақсад, уларнинг молиявий-хўжалиги фаолиятини самарали бошқариш ва истиқболларини белгилашда асосий манба ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби тизимини яхшилаш, ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишда бухгалтер мутахассислиги бўлган шахслардан фойдаланиш билан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бурч ва жавобгарликлари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаш асосида ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантиришда ёрдам беришдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида бухгалтерия ҳисобини шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмаси ёки бухгалтерия субъекти марказлаштирилган ҳолда юритиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, иқтисодчи олим Н.П.Кондраков ҳам шартнома асосида марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг юритиш

мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Демак марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилиниши ҳеч қандай услубий хато бўлмайди.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг субъектлари бўлиб, унинг хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар жумладан, маъсулияти чекланган жамият, хусусий корхона, фирма, фермер хўжаликлари кабилар ҳисобланади.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматининг объекти бўлиб, унинг хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти, хўжалик маблағлари, уларнинг келар манбалари ва молиявий натижалари ҳисобланади.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматининг предмети бўлиб, унинг хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг активлари, пасивлар ҳаракати ва хўжалик жараёнларини ўрганиш ҳамда назорат қилиш ҳисобланади.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси бўлиб, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари, “Махсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш борасидаги ҳукуматнинг қарор ва фармонлари ҳисобланади.

“Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”ги 20-сонли Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартига асосан марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизмати қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Кичик корхоналар ва микрофирмалар корxonанинг ҳисоб сиёсатини ўзларининг хўжалик фаолиятлари талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда шакллантириш.

2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчилик асосида белгиланган ягона услубият асосларига мувофиқ юритиш.

3. Ҳисобнинг соддалаштирилган шаклда ташкил қилиниши учун кичик корхоналар ва микрофирмалар корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси асосида маблағлар ва уларнинг манбалари ҳисобини асосий счётларда юритиш имконини берувчи ва бу орқали умуман бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлаш имконини берувчи хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг қисқартирилган ишчи режасини тузиш.

4. Кичик корхоналар ва микрофирмалар қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда ўз ишлари моҳиятига мустақил равишда мослаштириб олиш:

- ягона услубиятга (иккиёклама ёзув тамойилига);
- таҳлилий ва жамлама ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлигига;
- хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларда ялпи акс эттирилишига;
- ҳисобга олишнинг бошланғич ҳужжатлари асосида ҳисобга олишга;
- хўжалик фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш ҳамда молиявий

ҳисоботларни тузиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича бошланғич ҳужжатлар маълумотларини тўплаш ва тизимлаштиришга.

5. Бухгалтерия ҳисобининг бошланғич босқичи бўлган барча хўжалик

операцияларини бошланғич ҳисоб ахбороти маълумотларини тўлиқ ҳужжатлаштириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳисобга олишнинг келгуси босқичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби регистрларида қўлланиладиган бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги келтирилган маълумотларини қайд этиш;
- молиявий ҳисоботларни тузиш;
- бухгалтерия регистрлари маълумотларидан бошқа хўжалик юритувчи субъект учун зарур бўлган ахборотни олиш учун фойдаланиш.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизмати фаолиятининг молиялаштириш манбаси бўлиб, унинг хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кириш бадали ва кўрсатилган хизмат учун ажратмаси ҳисобланади. Яъни, марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари биринчи марта белгиланган миқдорда кириш бадалини тўлайди ва кейинги босқичда кўрсатилган хизмат учун товар айланмасидан (оборотидан) белгиланган миқдорда ажратма ажратиб боради.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматининг харажартларига фаолияти билан банд бўлган асосий воситаларни эскириш қиймати, номоддий активларнинг амортизацияси, материал харажатлар, ходимларга ҳисобланган иш хақи харажатлари ва ягона ижтимоий тўловга ажратмалар, ижара тўловлари ва фаолият билан боғлиқ бошқа харажатлар киради. Кўрсатилган хизматининг таннархи ҳам юқоридаги харажатлар шаклланади.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматининг ўзи ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, маъсулияти чекланган жамият ёки фирма шаклида ташкил қилиниши мумкин. Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилиш учун белгиланган тартибда бир неча малакали мутахассислар жалб қилинади ва бу мутахассислар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисоби хизмати кўрсатилади.

Кўрсатилган хизмат сифатини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги ҳисоб-китоб ишларини ҳуқуқий-меъёрий асосида ташкил қилинишини ва маълумотларининг ишончлилигини назорат қилиш ҳамда фаолиятни тартибга солиб туриш мақсадида бош бухгалтер тайинланади. Хизмат кўрсатувчи мутахассислар фаолият турига қараб бир ёки бир неча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби тизими такомиллашади, бухгалтерия ҳисоби хизмати учун сарф-харажатлари камаяди, ноқонуний ёлланма мутахассислардан фойдаланиш ва уларнинг даромадини яширишга чек қўйилади, бухгалтернинг мажбурияти ва жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйиш билан ҳисоб ва ҳисоботдаги айрим ноаниқликларга барҳам берилиб бизнес режани тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш осонлашади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисоб сиёсатини такомиллашувига эришилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (Янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель.
2. “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”ги 20-сонли Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (Ўз.Рес. Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 11 июль 879-2-сон билан рўйхатга олинган).
3. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебник.-2-е изд. перераб. и доп.-М.: ИНФРА-М.2008-720с.